21. Dale P.O, Tanbo T, Vaaler S, Abyholm T. (1992). Body weight, hyperinsulinemia, and gonadotropin levels in the polycystic ovarian syndrome: evidence of two distinct populations. Fertil. Steril., (58), 487-491.
22. Fauser B.C, Van Heusden A.M. (1997). Manipulation of human ovarian function: physiological concepts and clinical consequences. Endocr. Rev., (18), 71-106.
23. Kosova G, Urbanek M. (2013). Genetics of the polycystic ovary syndrome. Mol. Cell. Endocrinol., (373), 29-38.
24. Legro R.S, Driscoll D, Strauss J.F, Fox J, Dunaif A. (1998). Evidence for a genetic basis for hyperandrogenemia in polycystic ovary syndrome. Proc. Nat. Acad. Sci., (95), 14956-14960.


25. Eltazarova G.Sh. Khudayarova D.R. Frequency and structure of congenital development anomalies. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation Vol 24 Issue 08, 2020 p 6967-6975
26. Khudoyarova D.R., Ibragimov B. F., Ibragimova N. S., Kobilova Z.A. Fertility recovery from polycystic ovarian syndrome. // International journal of pharmaceutical research (+ Scopus) ISSN 0975-2366 DOI: <https://doi.org/10.31838/ijpr/2020.12.04.096> p-592-596
27. Shavazi N.N., Zakirova N.I., Khudayarova D.R. Prediction of Premature Outflow of amniotic fluid in Preterm pregnancy. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation Vol 24 Issue 05, 2020 p 5675-5685

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Баходир Фикриевич Ибрагимов,
Дилдора Рахимовна Худоярова
Самаркандский Государственный Медицинский
Институт, Самарканд, Узбекистан

НОВЫЕ ВВЕЕНИЯ В ЛЕЧЕНИИ СИНДРОМА ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ

For citation: Bakhodir Fikrievich IBRAGIMOV, Dildora Rakhimovna HUDOYAROVA. NEW ADVANCES IN THE TREATMENT OF POLYCYSTIC OVARIAN SYNDROME. Journal of Biomedicine and Practice. 2021, vol. 6, issue 1, pp.259-264

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9300-2021-1-37>

АННОТАЦИЯ

Бесплодие является одной из важнейших проблем не только акушерства, но и социальной жизни в целом. Синдромом поликистозных яичников страдает примерно 11% женщин фертильного возраста, тогда как в структуре эндокринного бесплодия его показатели достигают до 70%. Исходя из этого, актуальным является правильная диагностика и лечение СПКЯ с целью оздоровления женщин и рождения на свет здоровых малышей. Данная статья является результатом исследования современных методов лечения бесплодия у женщин с синдромом поликистозных яичников на основании изучения их данных различными современными методами. В статье приведены данные о поэтапном восстановлении фертильности женщин с СПКЯ.

Ключевые слова: Синдром поликистозных яичников (СПКЯ), восстановление фертильности, нормализация массы тела, коррекция метаболических нарушений, стимуляция овуляции, антагонисты рилизинг-фактора гонадотропина, комбинированные оральные контрацептивы (КОК), экстракорпоральное оплодотворение (ЭКО).

Bakhodir Fikrievich Ibragimov
Dildora Rakhimovna Hudoyarova
Samarkand State Medical Institute, Samarkand, Uzbekistan

NEW ADVANCES IN THE TREATMENT OF POLYCYSTIC OVARIAN SYNDROME

ANNOTATION

Infertility is one of the most important problems not only in obstetrics but also in social life in general. About 11% of women of fertile age suffer from polycystic ovary syndrome, while in the structure of endocrine infertility, its indicators reach 70%. Proceeding from this, the correct diagnosis and treatment of PCOS with the aim of improving the health of women and the birth of healthy babies is relevant. This article is the result of a study of modern methods of treating infertility in women

with polycystic ovary syndrome based on the study of their data using various modern methods. The article provides data on the gradual restoration of fertility in women with PCOS.

Key words: Polycystic ovary syndrome (PCOS), restoration of fertility, normalization of body weight, correction of metabolic disorders, stimulation of ovulation, antagonists of gonadotropin releasing factor, combined oral contraceptives (COC), in vitro fertilization (IVF).

**Bahodir Fikrievich Ibragimov,
Dildora Raximovna Xudoyarova,**
Samarqand Davlat Tibbiyot Instituti, Samarqand, O'zbekiston

POLIKISTOZ TUXUMDONLAR SINDROMINI DAVOLASHDA YANGI YUTUQLAR

ANNOTATSIYA

Bepushtlik nafaqat akusherlik, balki umuman ijtimoiy hayotdagi eng muhim muammolardan biridir. Fertil yoshdagi ayollarning taxminan 11% polikistoz tuxumdon sindromidan aziyat chekadi, endokrin bepushtlik tarkibida uning ko'rsatkichlari 70% ga etadi. Shundan kelib chiqqan holda, ayollar sog'lig'ini yaxshilash va sog'lom bolalar tug'ilishi uchun PKTSni to'g'ri tashxislash va davolash dolzarbdir. Ushbu maqola polikistoz tuxumdon sindromi bo'lgan ayollarda bepushtlikni davolashning zamonaviy usullarini, ularning ma'lumotlarini turli xil zamonaviy usullardan foydalangan holda o'rganish asosida o'rganish natijasidir. Maqolada PKTS bo'lgan ayollarda fertillikni bosqichma-bosqich tiklash bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Polikistoz tuxumdonlar sindromi (PKTS), fertillikni tiklash, tana vaznini normallashtirish, metabolik o'zgarishlarni tuzatish, ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish, gonadotropinni ajratuvchi omil antagonistlari, kombinatsiyalashgan oral kontratseptivlar (KOK), ekstrakorporal urug'lantirish (EKU).

Dolzarbligi. So'nggi paytlarda endokrin bepushtlikning yuqori darajasi tendentsiyasi kuzatilmoqda [1,3,8]. Hayz ko'rish va homilador bo'lishning buzilishining eng keng tarqalgan sababi bu PKTS. Turli manbalarga ko'ra, PKTS 10% dan 16,6% gacha aholi orasida uchraydi [4,9,12,18]. Anfertillik muammosini izlayotgan ayollarning deyarli 70% PKTSdan aziyat chekmoqda. Shu bilan birga, PKTS bilan kasallangan bemorlarning 60% farzandlidir [13,15,26]. 2003 yilda Evropaning inson fertilligi jamiyati va Amerika reproduktiv tibbiyot jamiyati PKTS diagnostikasini tavsiya etilgan uchta mezondan ikkitasining majburiy borligi asosida aniqlashni taklif qildi: giperandrogenizm, surunkali anovulyatsiya va polikistik tuxumdon kasalligining exografik belgilari. Shu bilan birga PKTS bilan kasallangan ayollarda ular nomoyon bo'lmasada mavjudligi aniqlangan [2,19,21]. PKTSda yuzaga keladigan qon tomir va metabolik kasalliklarning rivojlanish xavfi yuqori ekanligi aniqlandi. Ammo PKTS bilan kasallangan ayollarning reproduktiv faoliyatini tiklashga individual yondashuv to'g'risidagi ma'lumotlar, sindromning shakli, bemorning yoshi va bepushtlik shaklini hisobga olgan holda, mavjud adabiyotlarda ko'rsatilmagan.

Mamlakatimizda aholi o'rtasida somatik kasalliklarni erta tashxislash va oldini olish bo'yicha keng ko'lamlı chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, sog'liqni saqlash tizimida bir qator hal qilinmagan muammolar mavjud bo'lib, ulardan eng muhimlaridan biri polikistik tuxumdon sindromi bilan bog'liq ayollarda bepushtlikni aniqlash va davolashdir [5,6,7].

Tadqiqot maqdasi. Klinik va anamnestik, laboratoriya ko'rsatkichlari, gen polimorfizmlari va folat metabolizmining ba'zi genotipik variantlarini o'rganish asosida polikistoz tuxumdon sindromi bo'lgan ayollarda bepushtlikni davolashning zamonaviy usullarini ishlab chiqish. Tadqiqotda PKTS bilan bepushtlikni davolash uchun tana vaznini normallashtirish, metabolik kasalliklarni tuzatish, ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish uchun turli protokollardan foydalanilgan, fertillikni tabiiy tiklashni jarrohlik usuli bilan birlashtirilgan va yordamchi reproduktiv texnologiyalarni qo'llash ketma-ket amalga oshirilgan.

Tadqiqot materiallari va usullari. Samarqand tibbiyot institutining 1-sonli klinikasi va viloyat perinatal markazida PKTSda fertillikni tiklashning turli usullari samaradorligini aniqlash

maqsadida 2018-2020 yillar davomida tuxumdonlar bepushtligi bilan kasallanganligi aniqlangan 150 bemor tekshirildi. Homilador bo'lish faoliyati tiklanganida, homilador ayollarning nazorati 20 haftagacha davom etdi.

Tadqiqot usullari quyidagilar edi:

- Umumiy tibbiy va umumiy klinik tadqiqotlar usullari (shikoyatlarni tahlil qilish, hayot va kasallik tarixi, tana konstitutsiyasi, TMI, girsutizmning darajasi, sut bezlari va qalqonsimon bezni tekshirish, ginekologik tekshiruv)

- Hayz siklining 5-7-kunida va dinamikada tuxumdon zaxirasining biokimyoviy markerlari (Myulleriyaga qarshi gormon, gonadotropin darajasi - FSG, LG, FSG / LG, prolaktin, estradiol, progesteron, 17-OP, DEAS, umumiy testosteron, erkin androgen indeksleri).

- Dinamikada gomosistein ko'rsatkichi.

- Metabolizmning MTHFR (C677T, A1298C), MTR (A2756G), MTRR (A66G) polimorfizmlarining turli genotipik variantlarining rolini o'rganish.

- Hayz siklining 5-7 kunida va dinamikada kichik tos a'zolarining ultratovush tekshiruvu.

- Gisteroskopiya, so'ngra endometriyning diagnostik kyuretaji va endometriyning morfologik tekshiruvu (agar ko'rsatma bo'lsa)

Davolash usullari:

- Tana vaznini parhez va o'rtacha jismoniy faollik bilan normallashtirish, metabolik o'zgarishlarni tuzatish.

- Hayz siklini tiklash (KOK + folat, deksametazon + folat).

- Ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish (klomifen sitrat, rFSG, menopur, AGnRG).

- Ovulyatsiyani jarrohlik yo'li bilan stimulyatsiyasi qilish (laparoskopiya - rezektsiyasi, burg'ulash, stromal endokoagulyatsiya).

- EKGga tayyorgarlik.

Natijalar: Fertillikni tiklashning turli usullarining samaradorligini aniqlash uchun, yoshi va PKTS turiga qarab, bepushtlik, semirish va girsutizmga chalingan 150 nafar PKTSga gumon qilingan ayollar tekshirildi. Ulardan: 75 ayol tuxumdonlar PKTSi, 35 ayol buyrak usti bezi PKTS, 40 ta ayolda aralash PKTS shakli bilan kasallangan edi.

Tekshiruvdan o'tgan 150 bemor orasida giperandrogenizmning klinik belgilari quyidagi chastotada aniqlandi: aniq girsutizm - 85 (56,6%) bemorda; husnbuzar bilan yog'li teri - 52 (34,6%) bemorda. Tana massasi indeksini (TMI) aniqlash 72 (48%) bemorning ortiqcha vaznga ega ekanligini ko'rsatdi. 45 ta (30%) ayolda TMI ko'rsatkichlari 25 dan 29,9 gacha ("semirish oldi holati" - metabolik asoratlarning xavfi past) aniqlandi; TMI 30 dan 40 gacha (I va II sinf "semirishi" - metabolik asoratlarning o'rtacha xavfi) - 34 (22,6%) ta ayolda. Yog' to'qimalarining visseral tarqalishi 59 (39,3%) ta ayollarda kuzatilgan. Nigroid akantoz 15 ta ayolda aniqlangan (10%). Ushbu belgi bo'lgan barcha bemorlarda TMI 30 dan ortiq va yog' to'qimalarining tarqalishining visseral turi mavjud edi.

82% da gormonal anomaliyalar aniqlandi, ulardan eng ko'p uchraydigan testosteron (63,3%) va LG/FSG indeksining 2,5 dan oshishi (51,3%). Ikkinchidan, LG darajasi ko'tarilishi faqat 56 ayolda topilgan, qolgan 21 bemorda bu ko'rsatkich normal bo'lib qoldi.

ET-1 (endotelin-1) endotelial disfunktsiyasining markerini o'rganayotganda, ET-1 konsentratsiyasining oshishi bemorlarning 80 foizida sodir bo'lganligi, o'rtacha miqdori $10,3 \pm 0,4$ mkmol/L bo'lganligi aniqlandi. Tekshirilganlarning 45,3 % ning qonida gomosistein miqdori o'rtacha $12,2 \pm 0,3$ mmol / l ni tashkil etdi. Bundan kelib chiqadiki, PKTS bilan kasallangan ayollarning yarmi giperghomosisteinemiya bilan kasallangan.

Davolashning birinchi bosqichida bemorlar metabolik kasalliklarni tuzatib, vazn yo'qotish chora-tadbirlarini ko'rdilar. Semirishi bo'lgan ayollarga (TMI > 30) vazn yo'qotish uchun dozalangan jismoniy faollik bilan birgalikda dietoterapiya buyurildi. 15ta bemorda tana vaznining 5 dan 10% gacha yo'qotish bilan hayz ko'rish normallasishi isbotlandi. Shu maqsadda sog'lom ovqatlanish tamoyillari va dori-darmonlarni o'z ichiga olgan kompleks metabolik terapiya amalga oshirildi. Tana vaznining normallasishi va metabolik o'zgarishlarning boshqa holatlarida, hayz sikli normallashtirishida, hayz davrini tiklash uchun dorilar buyurilgan. Kombinatsiyalangan og'iz

kontratseptivlari (KOK) + folatlar giperandrogenizm va hayz davridagi buzilishlarni tiklash bo'yicha birinchi terapiya hisobida ishlatildi. Shu muoalajalardan so'ng, ayollarning 31,3 %da hayz ko'rish jarayoni tiklandi. KOKlar yordamida husnbuzarlar va girsutizmni davolash natijalariga erishish uchun 6 oy vaqt ketdi. Gormonal anormalliklarni tuzatish mutaxassislar - endokrinologlar nazorati ostida amalga oshirildi.

Ushbu bosqichda spontan bachadon homiladorligi bemorlarning 16,7 %da sodir bo'lgan. 25 ta bemorning 1tasida ko'p (egizak) homiladorlik aniqlandi. 27 ta ro'yxatdan o'tgan homiladorlikni hisobga olsak, bachadondan tashqari homiladorlikning nisbati 7,4% ni tashkil etdi. Shunday qilib, tana vaznini normallashtirish va hayz ko'rish faoliyatlarini tiklash bilan PKTS bilan og'rigan bemorlarda reproduktiv faoliyatini tiklashda bachadonichi homiladorligi 16,7% darajasida ta'minlandi.

Ovulyatsiya induksiyasi klomifen sitrat (KS) yordamida bemorlarga uchta (maksimal) siklda 5 kun davomida (siklning 5 dan 9 kunigacha) kuniga 100 mg dozada o'tkazildi. Klomifen sitrat bilan stimulyatsiya qilinganida, tuxumdonlar javobining yetarliligi siklning 9-10 kundan boshlab o'sayotgan follikulalar hajmini aniqlash va qondagi E2 konsentratsiyasini aniqlash orqali baholana boshladi. 18 mm hajmdagi yetuk follikul mavjud bo'lganda, E2 = 500-2000 mmol / L konsentratsiyasi, hGCh (pregnil) ning ovulyatsion dozasi 5-10 ming edunitsani tashkil qildi. Pregnil inyeksiyasidan 36-48 soat o'tgach, ovulyatsiya ultratovush tekshiruvi orqali tasdiqlashdi. Klomifen sitratiga qarshilikni erta aniqlashda anovulyatsion bepushtlik bilan og'rigan bemorlarda ovulyatsiyani rag'batlantirish uchun KS + rFSG kombinatsiyasidan foydalanilgan.

Umuman olganda, ovulyatsiya induktorlari bilan davolash 125 bemorda o'tkazildi, laparoskopiyadan oldin o'tkazilgan ovulyatsiyani boshqariladigan stimulyatsiyasining birinchi seriyasida follikulogenez induktorlarini ketma-ket uch siklda foydalanishni o'z ichiga olgan, shundan so'ng 150 bemorning 28 nafari (18,6%) o'z-o'zidan bachadon homiladorligi bo'lgan.

Laparoskopiya faqat gormonal kasalliklarni tuzatgandan va ovulyatsiya induktorlari yordamida tabiiy fertillikni tiklashga urinishlarning samarasizligini tasdiqlaganidan keyin tayinlangan. Shu sababli endoskopik usullar faqat yuqoridagi usul ishlamagan ayollarda qo'llanilgan. Laparoskopiyani o'tkazishda ovulyatsiyani qo'zg'atish uchun tegishli jarrohlik davolash amalga oshirildi - rezektsiyasi, burg'ulash, stromal endokoagulyatsiya. Fallop naychalarining o'tkazuvchanligini baholash uchun barcha bemorlarga xromopertubatsiya o'tkazildi. Ikkilamchi yuqumli kasalliklarning oldini olish uchun endoskopik operatsiya o'tkazgandan so'ng, tavsia etilgan kunlik va kurs dozalarida keng ta'sir doirasiga ega bo'lgan antibakterial preparatlar buyurildi.

Doimiy bepushtlik bilan kasallangan 150 nafar bemorning 97 tasida (64,6%) PKTSni, shuningdek, bepushtlikning tubo-peritoneal omillarini aniqlashtirish va davolash maqsadida laparoskopiya buyurilgan. Laparoskopiya natijalariga ko'ra, tekshirilayotgan bemorlarda jarrohlik yo'li bilan tuzatishni talab qiladigan bir tomonlama yoki ikki tomonlama patologik namoyishlar bo'lganligi aniqlandi. Ushbu 97 bemorga ketma-ket uchta siklda ovulyatsiyani rag'batlantirishga qayta urinishgan. Bemorlarda ovulyatsiyani takroriy stimulyatsiyasi paytida follikulogenez induktorlari operativ endoskopiya o'tkazilgandan so'ng darhol boshlandi, ya'ni "o'z-o'zidan" homiladorlik boshlanishini 6 oylik passiv kutishni nazarda tutgan haqiqiy jarrohlik davolashning o'zi ta'sirini kutishni ta'minlamadi. Ovulyatsiyani takroriy stimulyatsiyasi natijasida bachadon homiladorligi 4,6% bemorda, bachadondan tashqari homiladorlik - 0,67% bemorda sodir bo'ldi.

PKTS bilan og'rigan bemorlarda qo'llaniladigan davolash algoritmining umumiy samaradorligini baholab, yuqorida tavsiflangan ovulyatsiyani stimulyatsiya qilish usullarini ketma-ket qo'llash 150 bemorning 60 (40%) qismida bachadon homiladorligining boshlanishini ta'minladi degan xulosaga kelish mumkin.

Agar tabiiy fertillikni tiklash usullari samarasiz bo'lsa, yordam beradigan reproduktiv texnologiyalar, xususan, ekstrakorporal urug'lantirish (EKU) qo'llaniladi. EKUdan keyin homiladorlik va tug'ruqni boshqarish odatdagidan farq qilmaydi. Homiladorlik paytida tug'ruq ehtimoli ko'pincha sun'iy urug'lantirish bilan emas, balki bemorlarning tez-tez kasallanishlari, ko'p homiladorlik bilan va ayollarning o'rtacha yoshi bilan bog'liq. EKU qimmat va ko'p vaqt talab etadi

va homiladorlikni kafolatlamaydi, ammo uzoq yillar davomida farzand ko'ra olmagan juftliklar uchun farzand ko'rish imkoniyatini beradi.

Xulosa. Tadqiqot natijalariga ko'ra biz quyidagi xulosalarga keldik:

1. Gipergomosissteinemiyani aniqlash polikistoz tuxumdonlar sindromi bo'lgan yosh ayollarni samarali va oqilona davolanish yo'lini tanlash uchun kerak.

2. PKTS bo'lgan bemorlarda bepushtlikni oqilona davolash bilan 40% hollarda tabiiy ravishda homilador bo'lish imkonini tiklash mumkin. Menstrual funktsiyasi tiklangan bemorlar uchun bachadon homiladorligi 16,7% ga erishildi. Hayz siklining anovulyatsion bo'lgan bemorlar uchun ovulyatsiyani klomifen sitrat yoki KS + rFSG bilan stimulyatsiya qilganidan keyin bepushtlik davolash samaradorligi 18,7% ni tashkil etdi, bu laparoskopiyadan oldin anovulyatsiyani tuzatish imkoniyati bilan belgilanadi.

3. Tabiiy fertillikni tiklashda aytib o'tilgan usullar samara bermagan holda bemorlarga reproduktiv texnologiyalar, shu jumladan EKV tavsiya etiladi.

Ishlatilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Адамьян Л.В., Макиян З.Н., Глыбина Т.М., Сибирская Е.В., Плошкина А.А. Предикторы синдрома поликистозных яичников у юных пациенток (обзор литературы) // Проблемы репродуктологии. - 2014. - № 5. - С. 52-56
2. Азизова М.Э. Синдром поликистозных яичников с позиций современных представлений // Казанский медицинский журнал. - 2015. - № 1. - С. 77-80
3. Бекман Ч., Линг Ф., Баржански Б. и др. Акушерство и гинекология. — М.: Медлит, 2004.
4. Гродницкая Е.Э., Ильина Н.А., Довженко Т.В., Латышкевич О.А., Курцер М.А., Мельниченко Г.А. Синдром поликистозных яичников - междисциплинарная проблема / / Доктор.ру. - 2016. - № 3. - С. 59-65
5. Савельева Г.М., Бреусенко В.Г. Гинекология: учебник для вузов / ред.: - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2004. - 480 е.; -10 000 экз. - ISBN 5-9231-0330-3 (в пер.).
6. Стрижакова А.Н. Клинические лекции по Акушерству и Гинекологии. М. Медицина. 2000г.
7. Сергиенко М.Ю., Яковлева Э.Б., Мироненко Д.М. Диагностика и лечение синдрома поликистозных яичников в детской гинекологии // Международный эндокринологический журнал. - 2015. - № 2. - С. 158-161
8. Худоярова Д.Р., Ибрагимов Б.Ф. Современные методы диагностики гиперандрогенных состояний в гинекологии. // Достижение науки и образования, №10 (51) 2019. С 69.
9. Худоярова Д.Р., Ибрагимов Б.Ф. Современные методы диагностики гиперандрогении яичникового генеза // Проблемы биологии и медицины. 2019. №4(113). С 197.
10. Худоярова Д.Р., Ибрагимов Б.Ф. Синдром поликистозных яичников - современные методы терапии // Проблемы биологии и медицины. 2019. №4(113). С 200
11. Шестакова И.Г., Рябинкина Т.С. СПКЯ: новый взгляд на проблему. Многообразие симптомов, дифференциальная диагностика и лечение СПКЯ. - М.: StatusPraesens, 2015. - 24 с
12. Azziz R. (2016). PCOS in 2015: new insights into the genetics of polycystic ovary syndrome. Nat. Rev. Endocrinol., (12), 74-75.
13. Banaszewska B, Spaczynski R.Z, Pelesz M, Pawelczyk L. (2003). Incidence of elevated LH/FSH ratio in polycystic ovary syndrome women with normo- and hyperinsulinemia. Roczn. Akad. Med. Bialymst., (48), 131-134.
14. Catteau Jonard S, Dewailly D. (2013). Pathophysiology of polycystic ovary syndrome: the role of hyperandrogenism. Front. Horm. Res., (40), 22-27.
15. Fauser B.C, Van Heusden A.M. (1997). Manipulation of human ovarian function: physiological concepts and clinical consequences. Endocr. Rev., (18), 71-106.
16. Kosova G, Urbanek M. (2013). Genetics of the polycystic ovary syndrome. Mol. Cell. Endocrinol., (373), 29-38.

17. Legro R.S, Driscoll D, Strauss J.F, Fox J, Dunaif A. (1998). Evidence for a genetic basis for hyperandrogenemia in polycystic ovary syndrome. Proc. Nat. Acad. Sci., (95), 14956-14960.
18. Eltazarova G.Sh. Khudayarova D.R. Frequency and structure of congenital development anomalies. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation Vol 24 Issue 08, 2020 p 6967-6975
19. Khudoyarova D.R., Ibragimov B. F., Ibragimova N. S., Kobilova Z.A. Fertility recovery from polycystic ovarian syndrome. // International journal of pharmaceutical research (+ Scopus) ISSN 0975-2366 DOI: <https://doi.org/10.31838/ijpr/2020.12.04.096> p-592-596
20. Shavazi N.N., Zakirova N.I., Khudayarova D.R. Prediction of Premature Outflow of amniotic fluid in Preterm pregnancy. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation Vol 24 Issue 05, 2020 p 5675-5685

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Психиатрия

Зебо Рахимбердиевна Джаббарова


Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Диловар Садриддиновна Бурханова

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАРДА АДИНАМИК КОМПОНЕНТНИНГ КЛИНИКАСИ ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ

For citation: Zebo Rahimberdievna Jabbarova, Dilovar Sadriddinovna Burhanova. CLINIC AND COMPARATIVE DIAGNOSIS METHODS OF THE ADINAMIC COMPONENT IN DEPRESSIVE DISORDERS. Journal of Biomedicine and Practice. 2021, vol. 6, issue 1, pp.265-269

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9300-2021-1-38>

АННОТАЦИЯ

Депрессив бузилишлар кенг тарқалганлиги ва юқори даражадаги психосоциал бузилишлар ҳисобланганлиги сабабли кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтиради. Замонавий психиатрияда ҳанузгача депрессив бузилишларнинг адинамик компоненти клиникаси тўлиқ ўрганилмаган. Адинамик депрессия кўпинча ўзоқ вақт, сурункали кечади. Адинамик депрессиянинг психопатологик таҳлили, унинг кечишини турли вариантларини аниқлаш терапевтик тактикасини танлашга ёрдам беради. Адинамиянинг феноменологик ва психопатологик тушунчасига турлича ёндашувлар депрессия суратида унинг чегараларини аниқ белгилашни, бошқа шунга ўхшаш клиник кўринишлари билан фарқлашни қийинлаштиради. [1,6]. Сўнги тадқиқотлар клиник жиҳатдан шуни кўрсатдики, адинамияни аниқлаш алоҳида эътибор ва махсус методларни талаб қилади. [9,13]. Депрессияларни ташхислаш ва прогностик баҳолашдаги қийинчиликлар, жумладан адинамик депрессия структурасида адинамияни ўрганиш зарурлигини белгилайди. [3,7].

Калит сузлар: депрессия, адинамия, компонент, полиморф апатия, психологик тест.

Зебо Рахимбердиевна Джаббарова

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

Диловар Садриддиновна Бурханова

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

КЛИНИКА И МЕТОДЫ СРАВНИТЕЛЬНОЙ ДИАГНОСТИКИ АДИНАМИЧЕСКОГО КОМПОНЕНТА ПРИ ДЕПРЕССИВНЫХ РАССТРОЙСТВАХ

АННОТАЦИЯ

Депрессивные расстройства представляют интерес для большинства исследователей из-за их распространенности и того факта, что они считаются психосоциальными расстройствами высокого уровня. В современной психиатрии до сих пор не до конца изучена клиника адинамического компонента депрессивных расстройств. Адинамическая депрессия часто имеет длительное, хроническое течение. Психопатологический анализ адинамической депрессии, выявление различных вариантов ее течения, помогает выбрать терапевтическую тактику. Различные подходы к феноменологическому и психопатологическому пониманию адинамии затрудняют четкое определение ее границ в картине депрессий, дифференциации с другими сходными по клиническим проявлениям состояниями. [1,6]. В работах последних лет указывается, что выделение адинамии в клинической картине требует специального внимания и специальных методик.[9,13]. Трудности диагностики, прогностической оценки депрессий, включающих адинамические проявления, определяют необходимость изучения адинамии в структуре депрессии. [3,7].

Ключевые слова: депрессия, адинамия, компонент, полиморфная апатия, психологический тест.

Zebo Rahimberdievna Jabbarova

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

Dilovar Sadriddinovna Burhanova

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

CLINIC AND COMPARATIVE DIAGNOSIS METHODS OF THE ADINAMIC COMPONENT IN DEPRESSIVE DISORDERS**ANNOTATION**

Depressive disorders are of interest to most researchers because of their prevalence and the fact that they are considered high-level psychosocial disorders. In modern psychiatry, the clinic of the adynamic component of depressive disorders is still not fully studied. Adynamic depression often has a long, chronic course. Psychopathological analysis of adynamic depression, identification of various variants of its course, helps to choose therapeutic tactics. Different approaches to the phenomenological and psychopathological understanding of adynamia make it difficult to clearly define its boundaries in the picture of depression, differentiation with other similar clinical manifestations of conditions. [1,6]. Recent studies indicate that the isolation of adynamia in the clinical picture requires special attention and special techniques.[9,13]. Difficulties in the diagnosis and prognostic assessment of depressions, including adynamic manifestations, determine the need to study adynamia in the structure of depression. [3,7].

Keywords: depression, adynamia, component, polymorphic apathy, psychological test.

Бу муаммога тадқиқотчиларнинг қизиқиши шу билан боғлиқки, депрессив бузилишларда адинамик компонентнинг кенг тарқалганлиги эмас, балки унинг психосоциал аҳамияти, бу мавзуга доир саволларнинг жавобсиз, ечим топмасдан қолишидир.

Тадқиқот мақсади. Адинамик компонентли депрессив бузилишларни клиник-психопатологик таҳлил қилиш, уни типологиясини ишлаб чиқиш, кечиши билан боғлиқ хусусиятларини ўрганиш, оқибатини ва даволаш усулларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

1. Адинамик компонент психопатологик хусусиятини депрессив бузилиш структурасида текшириш.
2. Адинамик бузилиш ва унга ўхшаш психопатологик тузилмаларни (апатик ва астеник бузилишлар) чегаралаш мезонларини ажратиш.
3. Депрессиянинг типологиясини ишлаб чиқиш.
4. Адинамик депрессиянинг оптимал терапевтик тактикасини аниқлаш.

Материал ва текширув усуллари: Тадқиқот Самарқанд вилояти рухий касалликлар шифохонаси диспансер бўлими ва психосоматик стационарда 2017-2020 йилларда олиб борилди. Тадқиқот учун 65 нафар (44 нафар аёллар ва 21 нафар эркак) беморлар олинди. МКБ-10 таснифи бўйича беморларга қуйилган ташхис қўйидаги рубрикаларга мос келди: F20.0, F20.4, F 21, F31, F32, F33.

Тадақиқот муҳокамаси: Тадқиқот жараёнида адинамик депрессия тормозланиш типини устунлигига қараб: идеатор, мотор ва аралаш адинамик депрессияларга ажратилди. Адинамиянинг психопатологик параметрларига қўйидагилар киритилди:

- мотор компонент, бу ҳолат кучсизлик ҳиссини, мушак ҳолсизлигини, жисмоний қувватсизликни, ҳаракатлар сустлигини, танани ҳаракатсиз ҳолатда тутиб туришга муҳтожлиги билан ифодаланди. Бу компонентнинг энг юқори чуққисида депрессив субступор типидagi кўзга яққол ташланган ҳаракат тормозланиши кузатилди.

- идеатор компонент интеллектуал тормозланиш, инертлик, фикрлаш жараёни тезлигининг етишмаслиги, нутқда паузалар давомийлигининг ошиши ва темпининг секинлашуви билан ифодаланди.

- ирода компоненти илгариги қилиб юрган ишларини қила олмай қолганлиги билан ифодаланди.

Ўтказилган тадақиқотга асосланиб, адинамия параметрларини ва депрессиянинг психопатологик хусусиятларини ҳисобга олиб, адинамик радикал устунлиги билан кечувчи ҳолатлар икки типологик гуруҳга ажратилди:

1. Оддий адинамик депрессиянинг 1-гуруҳи типик психопатологик структура билан характерланди, адинамиянинг ҳамма компонентлари кўзатилди (25 нафар беморда, 38,5%).

2. Полиморф адинамик депрессиянинг 2-гуруҳи структурали атипия билан фарқланди, адинамия компонентида ҳар хиллилик, мотор ёки идеатор компонент ўстунлиги кўзатилди. Полиморф адинамик депрессияда аффектив регистр бузилиши неврозсимон ва субпсихотик даража бузилишлари билан қўшилиб келди (40 нафар беморда, 61,5%).

Оддий адинамик депрессиянинг симптоматикаси (25 нафар беморда, 61,5%) аффектив регистр рамкасида чикмади. Депрессия чуқурлиги адинамик бузилишлар ифодаланганлигининг даражаси билан аниқланади. Депрессив ҳолат чуққисида беморларда жисмоний ҳолсизлик бўлганлиги учун у ёки бу ҳаракатларни бажара олмай қолди. Фикрлаш жараёнининг секинлашуви, содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга ўз вақтида жавоб бериш қобилиятининг шаклланмаганлигига беморлар шикоят қилди.

Полиморф адинамик депрессия структурасида (40 нафар беморда, 61,5%) бошқа психопатологик регистрлар аниқланди: невротик (обсессив-фобик симптоматика ёки деперсонализация белгилари) ва субпсихотик (кам тизимлашган типидagi таъқиб, муносабат васваса ғоялари). Бундан ташқари сенесто-ипохондрик бузилишлар аниқланди. Оддий адинамик депрессиядан фарқланиб, мотор ва идеатор компонентлар мавжуд бўлади, полиморф адинамик депрессияда улардан бири устунлик қилади. Биринчи навбатга пассивлик ва ҳаракатсизлик кўринишидаги ирода компоненти устунлик қилади.

Адинамик депрессиянинг психопатологик структура хусусиятларига мос равишда конъюгирланган ва волатил вариантларга ажратилди.

Адинамик депрессиянинг конъюгирланган вариантида (19 нафар бемор) бошқа психопатологик бузилишлар билан адинамия белгиларининг қўшилиб келиши билан характерланди, натижада турғун симптомокомплекс шаклланди. Баъзи ҳолатларда адинамия астения ёки апатия билан, деперсонализация бузилишлар билан (деперсонализация-адинамик симптомокомплекс) қўшилиб келиши кузатилган. Бошқа ҳолатларда симптомокомплекс анча мураккаб структура билан фарқ қилди, адинамия аффектив бузилишлар билан, деперсонализация, сенесто-ипохондрик бузилишлар қўшилиб келди. Адинамик депрессиянинг конъюгирланган вариантида депрессив триада дисгармония билан фарқланди: баъзан мотор, баъзан идеатор тормозланиш устунлик қилди. Деперсонализация соҳа бузилишларидан энг кўп морал ипохондрия белгилари кузатилди.

Полиморф адинамик депрессиянинг волатил варианты (21 нафар бемор) психопатологик манзаранинг нотурғунлиги, истерик типдаги психопатсимон бузилишларнинг кенг ифодаланганлиги билан характерланди ва бу адинамик бузилишларга ўзига хослик берди. Адинамиянинг мотор ёки идеатор компоненти депрессиянинг ривожланиш жараёнида аниқ динамикани енгиб утди, улар тулиқ ифодаланди ёки умуман кузатилмади. Депрессия манзарасида биринчи навбатга пассивлик куринишидаги адинамиянинг ирода компоненти чиқди. Депрессиянинг волатил вариантыда энг кўп ваҳимали-адинамик, камроқ апато-адинамик ва ғамли-адинамик белгилар кузатилди. Депрессия симптоматикаси обсессив-фобик ва деперсонализацион соҳадаги неврозсимон бузилишлар билан характерланди. Кўпроқ конверсион симптоматика, жумладан конверсион адинамия аниқланди. Бу ҳолат жисмоний ҳолсизлик белигилари билан характерланди ва бу энг кўп кул-оёқларда кузатилди. Умуман олганда полиморф адинамик депрессиянинг волатил варианты психопатологик манзараси доимий узгариб туриши билан, бузилишларни интенсивлиги билан, чўзилувчан кечиши билан фарқланиб турди.

Психопатсимон бузилишларнинг ифодаланганлиги ўзига эътиборни тортди, бу ҳолат истерик, кузғалувчан, антисоциал хулқ белгилари билан характерланди. Касаллик кечишида психопатсимон ва неврозсимон бузилишларнинг интенсивлигининг ўсиши кузатилди. Аффектив бузилишлар ремиссиясининг сақланганлигига қарамасдан, яширин неврозсимон бузилишлар, шахсият узгаришларининг бўлиши, психопатизациянинг аста-секин ўсиб бориши беморлар ҳаёт сифатига таъсир қилади.

Хулоса.

1. Адинамик бузилишлар аффектив табиатли ҳисобланади, яққол ифодаланган тимик компонентнинг йуқлигига қарамасдан, улар депрессив триада сифатида ўзларини хусусиятларини сақлаб қолди.
2. Адинамик бузилишлар апатия ва астения белгиларига ухшашлигига қарамасдан, бир қанча фарқлари аниқланди. Апатик бузилишлар худди адинамиядек паст фаоллик билан характерланди, паст фаоллик сабаби ангедония феномени белгилари ҳисобланди ва бу адинамик бузилишга хос эмас эди. Ирода бузилишларида ҳам фарқ кузатилди: апатия мақсадлар шаклланиш этапларидаёқ ирода бузилишлари билан характерланди.
3. Адинамиянинг алоҳида компонентларининг (идеатор, мотор, ирода) кузатилиши депрессия структурасининг ўзига хослигини билдирди ва шунга асосланиб адинамик депрессиянинг вариантлари ажратилди:
 - 3.1. Оддий депрессия типик психопатологик структура билан характерланди, адинамиянинг ҳамма компонентларининг турлича бўлиши кузатилди, аффектив бузилиш даражасида чегараланди.
 - 3.2. Полиморф депрессия адинамия компонентларидан бирининг-идеатор ёки мотор компонентларининг яққол ифодаланганлиги билан, психопатологик структурасининг анча мураккаблиги билан ажралиб турди, кўпчилик ҳолатларда бу бузилишлар биргаликда кушилиб келди, аффектив бузилиш даражаси чегарасидан четга чиқди.
4. Полиморф депрессия структура жиҳатидан фарқланиши билан боғлиқ ҳолда қуйидаги вариантларга ажратилди: конъюгирланган ва волатил. Депрессиянинг конъюгирланган варианты турғун симптомокомплекс шаклланиши билан, адинамия билан, мотор ёки идеатор симптомлар билан, деперсонализацион, сенесто-ипохондрик синдром билан характерланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Anufriev A.K. Izbrannye trudy po psixiatrii [Selected works on psychiatry] / A.K. Anufriev. – М.:Logos, 2013. – 352 s.
2. Arbitalin, E.Yu. Social'noe funkcionirovanie bol'nyh s farmakorezistentnymi depressiyami / E.Yu. Arbitalin, N.V. Fedorov [Social functioning of patients with pharmaco-resistant depressions] //Sociologiya mediciny. - 2011. - №2. – S. 47-51

3. Barhatova A. N. Problemy opredeleniya ponyatiya «defekt-simptomy» pri shizofrenii [Problems of defining the concept of “defect-symptoms” in Schizophrenia] /Barhatova A.N. //Psihiatriya. – 2014.- №2. – S. 56.
4. Bobrov A.S. Endogennye depressii. [Endogenous depression.] Monografiya, 2 izdanie, dopolnennoe i pererabotannoe Irkutsk: «Papyrus»; 2010.
5. Vertogradova, O.P. Apaticheskaya depressiya: struktura i dinamika. [Apathetic depression: structure and dynamics.] /O.P.,Vertogradova, K.A.Koshkin// Social'naya i klinicheskaya psihiatriya. -2010. №2 (20).- S. 26-32
6. Dzyuba, A.N Neiroplastichnost' v terapii pri depressivnyh rasstrojstvah [Neuroplasticity in therapy for depressive disorders] / A.N.Dzyuba E.A.Haustova, V.G. Bezshejko//Ukr. med. Zhurn. - 2012. №2 (88).- C. 3-4
7. Zhmurov, V.A. Adinamiya. /A.V. Zhmurov// Bol'shaya enciklopediya po psihiatrii, [Big Encyclopedia of Psychiatry] 2-e izd. M.- 2012. -1068 s
8. Iznak, A.F. Transkraniyal'naya magnitnaya stimulyaciya v kombinirovannom lechenii farmakorezistentnyh depressij: dinamika klinicheskikh, psihologicheskikh i EEG parametrov. [Transcranial magnetic stimulation in combined treatment of drug-resistant depression] /A.F.Iznak, A.S.Tiganov, E.V.Iznak, S.A.Sorokin// Human Physiology- 2015.- T.41.- №5. - S.503-509.
9. Klyushnik, T.P. Novye vospalitel'nye markery depressivnyh rasstrojstv. /T.P.Klyushnik, S.A.Zozulya, T.M.Siryachenko, V.G.Kaleda, A.M.Dupin, M.A.Omel'chenko// Sibirskij vestnik psihiatrii i narkologii.-2019. T.1-№76.-s.35-38
10. Kuchimova Ch.A., Khodzhaeva N.I., Ismatova M.S., Turaev T.M., Kubaev R.M. Depressiv spektr doirasidagi affektiv xolatlarining tizimi va nozologik baxolash usullari [Systematics of states in the depressive spectrum and methods of nozological assessment] \\ Tibbiyotda yangi kun. – 2020. – №. 3. – P. 366-368.
11. Ochilov U. U. i dr. Diagnosticheskie osobennosti u pasientov s endogennymi psihicheskimi zabolevaniyami // Problemy sovremennoy nauki i obrazovaniya. – 2020. – №. 10 (155).
12. Turaev B. T., Ochilov U. U., Alkarov R. B. Somatizasiyalashgan depressiyalarning ijtimoiy-demografik xususiyatlar [Socio-demographic characteristics of somatized depression] // Tibbiyotda yangi kun– 2020. – №. 2. – P. 231-233.
13. Andrews G. et al. Why does the burden of disease persist. Relating the burden of anxiety and depression to effectiveness of treatment // Bull. WHO. — Vol. 78, № 4. — P. 446–454.
14. Kuchimova Ch. A, Khodzhaeva N. I., Prolonged and chronic endogenous depressions, Journal of Biomedicine and Practice 2020, vol. 3, issue 5, pp.40-44.
15. Kuchimova Ch. A; Khaydarova D.S. ; Pardaeva Z.S; Abdurazakova R.Sh ; Turaev T.M. "The structure, therapeutic dynamics and forecast of longterm depression". European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7, 2, 2020, 1844-1853.

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Чарос Азаматовна Кучимова

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Марғуба Шавкатовна Исматова

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Фарангиз Исматиллоевна Юлдашева


Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Толиб Махмуджонович Тураев

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

ДИСТИМИК БУЗИЛИШЛАРДА НАРКОТИК ҚАРАМЛИКНИНГ ВА ФАЗАЛИ ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Charos Azamatovna Kuchimova, Marguba Shavkatovna Ismatova, Farangiz Ismatilloevna Yuldasheva. FEATURES OF DRUG ADDICTION AND PHASE DEPRESSIVE DISORDERS IN DYSTHYMIC DISORDERS. Journal of Biomedicine and Practice. 2021, vol. 6, issue 1, pp.270-275

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9300-2021-1-39>

АННОТАЦИЯ

Гиёҳванд моддаларга қарам беморларда аффектив бузилишлар ташхиси ва уларни вариантларини фарқлашнинг аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Симптомларни йўқотиш учун тез рационал даво чоралари талаб қилинади, акс ҳолда аффектив патологияни баргараф этмасдан ўтказилган даво касалликнинг исталган даражасида самарасиз бўлади. Фазали депрессив бузилишли беморлар орасида кайфиятни униполяр, рекуррент ёки биполяр бузилиши кўринишидаги енгил ва ўртача депрессив эпизодлар устунлик қилади, бу феноменологик жиҳатдан оддий ёки ваҳимали субдепрессияларга, фаолликнинг йўқолиши билан кўзатилувчи мавсумли депрессияларга, агриппник бузилишларга ва апатияга киритилади. Ушбу ҳолатларнинг давомийлиги бир неча ҳафтадан бир неча ойгача бўлиши мумкин. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш мотивацияси беморларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш истагига мос келади.

Калит сўзлар: дистимия, депрессия, наркотик қарамлик, апатия, аффектив бузилиш.

Чарос Азаматовна Кучимова

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

Марғуба Шавкатовна Исматова

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

Фарангиз Исматиллоевна Юлдашева

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

Толиб Махмуджонович Тураев

Самарқандский государственный медицинский институт, Узбекистан

ОСОБЕННОСТИ НАРКОТИЧЕСКОЙ ЗАВИСИМОСТИ И ФАЗОВЫХ ДЕПРЕССИВНЫХ РАССТРОЙСТВ ПРИ ДИСТИМИЧЕСКИХ РАССТРОЙСТВАХ

АННОТАЦИЯ

Важность диагностики аффективных расстройств и дифференциация их вариантов у больных наркотической зависимостью очевидны. Они позволяют в короткое время подобрать наиболее рациональную терапию для купирования симптомов, в противном случае тормозящих лечебный процесс, попытки проводить терапию без устранения у пациентов аффективной патологии любой степени выраженности обычно безрезультатны. Среди пациентов с фазным депрессивным расстройством преобладают легкие и умеренные депрессивные эпизоды в виде униполярного настроения, рецидивирующего или биполярного расстройства, которые являются феноменологически нормальными или паническими субдепрессиями, сезонными депрессиями, наблюдаемыми с потерей активности, агрипными расстройствами и включенными в апатию. Продолжительность этих случаев может составлять от нескольких недель до нескольких месяцев. Мотивация к применению препаратов согласуется с желанием улучшить психическое состояние пациентов.

Ключевые слова: дистимия, депрессия, наркотическая зависимость, апатия, аффективные нарушения.

Charos Azamatovna Kuchimova

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

Marguba Shavkatovna Ismatova

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

Farangiz Ismatilloevna Yuldasheva

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

Tolib Maxmudjonovich Turaev

Samarkand State Medical Institute, Uzbekistan

FEATURES OF DRUG ADDICTION AND PHASE DEPRESSIVE DISORDERS IN DYSTHYMIC DISORDERS

ANNOTATION

Depressive disorders are of interest to most researchers because of their prevalence and the fact that they are considered high-level psychosocial disorders. In modern psychiatry, the clinic of the adynamic component of depressive disorders is still not fully studied. Adynamic depression often has a long, chronic course. Psychopathological analysis of adynamic depression, identification of various variants of its course, helps to choose therapeutic tactics. Among patients with phase depressive disorder, mild and moderate depressive episodes in the form of mood unipolar, recurrent or bipolar disorder predominate, which are phenomenologically normal or panic subdepressions, seasonal depressions observed with loss of activity, agrippnik disorders, and included in apathy. The duration of these cases can be from several weeks to several months. The motivation for the use of drugs is consistent with the desire to improve the mental state of patients.

Keywords: dysthymia, depression, drug addiction, apathy, affective disorders.

Бу муаммога тадқиқотчиларнинг қизиқиши шу билан боғлиқки, дистимик бузилишларда наркотик қарамликнинг кенг тарқалганлиги эмас, балки унинг психосоциал аҳамияти, бу мавзуга доир саволларнинг жавобсиз, ечим топмасдан қолишидир.

Тадқиқот мақсади. Наркотик моддаларга мойиллиги мавжуд беморларни дистимик бузилишлар хусусиятларини ва кайфиятнинг фазали депрессив бузилишини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

1. Дистимик бузилишларни наркотик қарамликнинг психопатологик хусусиятини текшириш.

2. Наркотик қарамликда аффектив бузилишларни психопатологик тузилмаларни мезонларини аниқлаш.

3. Абстенент синдромда аффектив бузилишлар устунлигини аниқлаш.

4. Коморбид патологиянинг оптимал терапевтик тактикасини аниқлаш.

Материал ва текширув усуллари: Тадқиқот Самарқанд вилояти рухий касалликлар шифохонаси диспансер бўлими ва психосоматик стационарда 2017-2020 йилларда олиб борилди. Тадқиқот учун коморбид депрессив патологияли 60 нафар бемор олинди (асосий гуруҳ-АГ) ва 30 нафар (контрол гуруҳ-КГ). Гуруҳлардаги беморларнинг ўртача ёши $45,2 \pm 2,6$ ва $42,3 \pm 2,8$ ёшни ташкил этди. АГ ишсизлар 25%ни, КГда 33% дан иборат бўлди. АГдаги 63,3% беморлар, КГдаги 53,3% беморлар биринчи марта мурожаат қилишган. Коморбид депрессив патология аффектив патология кўринишида МКБ-10нинг F33 бўлимига киритилди (аффектив бузилишлар). Мазкур тадқиқотда коморбид депрессив бузилиш ташхиси деярли барча беморларда аниқланди. клиник методдан ташқари юқорида санаб ўтилган экспериментал-психологик методлардан ҳам фойдаланилди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш дескриптив ва корреляцион таҳлил қилинди, фарқлар аҳамиятини баҳолаш Стьюдент t-критерияси ва Спирмен коэффициентлари ёрдамида ўтказилди.

Тадқиқот муҳокамаси: Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш циклик характерга эга бўлди, аффектив бузилиш интермиссиясида наркотик моддаларни ўзоқ вақт истеъмол қилиш тўхтади. Фазали характерга эга бўлган кайфият бузилишлари шаклланишида наркотик қарамлик (НК) шаклангунча, депрессив ҳолат вақтида толерантликнинг тез ўсиб бориши билан бирга наркотик моддани тизимли қабул қилишни ўзоқ даври, миқдорий назоратнинг йўқолиши кузатилди, аммо абстинент синдром (АС) аста-секин шаклланди, наркотик моддага бўлган майлнинг актуаллигидан ташқари, уни тузилишида тугалланмаганлик, шу билан биргаликда АС белгиларинг йўқлиги кузатилди. Бу гуруҳ беморларда наркотик моддага эҳтиёж Чередниченко-Альтшулер шкаласи маълумотларига кўра, сурункали аффектив бузилишли беморларга нисбатан камроқ ифодаланди. Бу шу билан боғлиқки, фазали депрессив бузилишли беморлар кўпчилигида наркотик модда қабул қилиш эйфория чақирмайди, уларни маълум бир гуруҳида депрессия ифодаланганлигига таъсир қилмасдан, балки депрессия белгиларини кучайтиради [5,6].

Аффектив бузилишли беморларда АС шаклланиши наркотик моддани қабул қилишни бошлагандан 8–12 йил ўтгандан сўнг ривожланади. Кўпчилик беморларда АСнинг сомато-неврологик белгилари кам ифодаланади, аммо депрессив симптоматика чўқурлашуви кузатилади: ўз-ўзини айблаш ғоялари билан кузатилган депрессив кечинмалар, кайфиятни суткалик ўзгариб туриши, кечга бориб яхшиланиши кабилар. Аффектив симптоматикадан ташқари бундай беморларда неврозсимон белгилар кузатилади: обсессиялар, рухий ҳорғинлик, таъсирчанлик кабилар. АС структурасида наркотик моддага иккиламчи майл, агриппния, ваҳима субпсихотик даражада кузатилади. Кўпчилик беморларни наркотик модда қабул қилиш тўхтатилганда рухий ҳолатида ваҳима, ваҳимали-депрессив, ваҳимали-фобик бузилишлар кузатилади. Эрта постабстинент давр ваҳимали бузилишларни юқори дражасини сақланиши билан характерланади. Гамильтонни ваҳима шкаласи бу даврда беморларда ваҳимали ҳолат борлигини кўрсатади [1,3,6]. Юқори ваҳима оралиғида ситуацион ваҳима Спилбергер-Ханин ўз-ўзини баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Гамильтон клиник шкаласи буйича депрессия даражаси бу шкаланинг катта депрессив эпизод кўрсаткичларига мос келади. Бунда ўз-ўзини баҳоловчи Зунг шкаласи буйича депрессиянинг паст даражаси аниқланади. Депрессияни объектив ва субъектив баҳолашдаги бу номутаносиблик алекситимия туфайли бўлиши мумкин, бу беморларда ўз хис-туйғуларини оғзаки ифода эта олмаслик, ўзларининг ҳиссий ҳолатини адекват баҳолашни қийинлаштириши мумкин. Фазали депрессив бузилишли беморлар учун, уларнинг рухий ҳолатида энгил когнитив белгилар билан кузатилган депрессив ва ваҳимали бузилишларни ассоцирланганлиги хос: диққатни жамлаш қобилиятини сустлиги, янги маълумотларни ўзлаштиришда қийинчилик, эслашдаги хотира бузилишлари кабилар. Когнитив бузилишнинг энгил даражаси аффектив бузилишларнинг жиддийлигини маълум даражада акс эттиради.

НҚ хосил бўлгандан кейин пайдо бўладиган аффектив бузилишлар алоҳида аффектив патология юзага келгандан кейин наркоманиянинг янада прогредиент кечишини, яъни аддиктив бузилишларнинг оғирлашувини кўрсатади [9,13].

Дистимия билан касалланган беморларда ваҳимали-дисфорик ва дисфорик бузилишлар устунлик қилади. Фазали депрессив бузилишли беморларга нисбатан сурункали кайфият бузилиши билан оғриган беморларда мотивларнинг ўртача ифодаси юқори бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Сурункали кайфият бузилиши бўлган беморларнинг кўпчилигида АСнинг сомато-вегетатив белгилари камайгандан сўнг, яққол ифодаланган аффектив компонент билан биргаликда наркотикка патологик майл (НПМ) сақланиб қолади. Буни Альтшулер–Чередниченко шкаласи кўрсаткичлари исботлаб беради. Дастлабки постабстинент даврда циклотимия ва дистимия билан оғриган беморларда депрессив-ваҳимали бузилишлар кузатилади. Гамильтон депрессия шкаласи бўйича депрессия даражаси бу бузилишларни асосий депрессив эпизод сифатида баҳолашга мос келади. Юқори ваҳима диапазонида ситуацион ваҳима кўрсаткичлари сақланиб қолади, бу Спилбергер–Ханин ўз-ўзини баҳолаш шкаласи бўйича аниқланади [8,9,10].

Циклотимия ва дистимия билан оғриган беморларнинг клиник ўзига хослиги айрим ҳолларда депрессив ва хавотирли бузилишларнинг бир — бирига яқин боғланиши бўлса, бошқаларида эса депрессив ва дисфорик бузилишлар билан фарқланади. Шу билан бирга аффектив бузилишларсиз героин наркомания (ГН) билан оғриган беморлардан фарқли ўларок, сурункали кайфият бузилиши бўлган беморларнинг рухий ҳолатидаги дистимиянинг намоён бўлиши психопатсимон бузилишларнинг оғир-енгиллиги билан боғлиқ бўлмайди. ГН билан оғриган беморларда психопатсимон бузилишлар билан дисфорик ва дистимик турдаги аффектив касалликлар ассоциацияси бу касалликларни сурункали наркотик модда интоксикацияси туфайли иккиламчи аффектив касалликлар ва хулқ-атвор касалликларининг битта клиник мажмуаси ичида кўриб чиқишга имкон беради. Буни эрта постабстинент даврда коморбид патологиясининг дифференциал диагностикасида ҳисобга олиш керак. [11,12].

